



СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 август куни XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашди.



Тадбирда Миллий Олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, спортчиларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари барчани

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг улкан ғалабаси билан табриклади.

Маълумки, ушбу Олимпия ўйинлари 23 июлдан 8 августгача Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 17 та спорт тури бўйича 71 нафар

вакилимиз қатнашди. Бу юртимиз спорт тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Аввалдан ҳам, мусобақа пайтида ҳам спортчи ва мураббийларга керакли шароитлар яратиб берилди. Улар 3 та олтин ва 2 та бронза медални қўлга



киритиб, 200 дан зиёд давлат орасида умумжамоа ҳисобида 32-ўринни эгалладилар. Шу тариқа, мамлакатимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иккинчи, Марказий Осиёда эса биринчи бўлди. Шунингдек, атлетларимиз 3 та Олимпия

рекордини янгилаб, жаҳон спорт тарихида ёрқин саҳифа очди.

Жамоамизга илк олтин медални 19 ёшли таэквондочи Улугбек Рашидов ҳамда онаси Оксана Даниленкога эл-юртимиз номидан ташаккур билдирамыз.

Оғир атлетикачи Акбар Жўраев умумий ҳисобда 430 килограмм тош қўтариб, Олимпия рекордини ўрнатди ва Ватанимизга иккинчи олтин медални келтирди.

Давоми 3-бетда

АЗМУ ШИЖОАТЛИ, ВАТАНПАРВАР СПОРТЧИ ЁШЛАРИМИЗ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ, МИЛЛАТИМИЗНИНГ “ОЛТИН ФОНДИ” ДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Токиода бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари билан учрашувдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар! Қадрли олимпиячилар, ғолиб ва совриндорлар!

Муҳтарам ота-оналар, устоз ва мураббийлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолинғизда бутун халқимизни Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Олимпия ўйинларида қўлга киритган улкан, том маънода тарихий ғалабаси билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, барчамиз дунёдаги энг нуфузли ана шу мусобақаларда Ўзбекистон вакилларининг ҳар бир чиқишини “ойнаи жаҳон” орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб бордик.

Ўз навбатида, мард ва жасур спортчиларимиз ҳам бундай юксак ишончни

оқлаб, халқимизга ёрқин ғалабаларни тортқ этдилар. Ҳеч шубҳасиз, бу Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик шонли байрамига муносиб совға бўлди.

Олимпиадада спортчиларимиз юксак шохсупаларга кўтарилиб, 3 та олтин ва 2 та бронза медални қўлга киритдилар.

Ҳаммамизга аёнки, халқаро олимпия ўйинларида ер юзининг энг зўр, манаман деган спорт усталари иштирок этади.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, шерга қарши шердек курашиш, жанг қилиш керак.

Сизлар дунё тан олган спортчилар билан мардона олишиб, уларнинг ўзини ҳам, улар эришган натижаларни ҳам ортда қолдириб, 3 та Олимпия

рекордини янгилаб, жаҳон спортида ҳам ёрқин саҳифа очдингиз.

Мамлакатимиз жамоаси 200 дан зиёд давлатдан келган энг кучли спортчилар орасида умумжамоа ҳисобида — ўтти иккинчи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида — иккинчи, Марказий Осиёда эса — биринчи ўринни эгаллади. Бу, чиндан ҳам, ўзбек спорти тарихидаги улкан натижадир.

Ғолиб фарзандларимиз шаънига мадҳиямиз янграб, Ватанимиз байроғи баланд кўтарилган дамларда барчамизнинг қалбларимиз чексиз ғурурга тўлди.

Бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган қаҳрамон ўғлонларимиз — Токио олимпиадаси ғолиблари ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди, албатта.

Жамоамизга илк олтин медални тақдим этган 19 ёшли спортчимиз, таэквондо устаси Улугбек Рашидовга ва унинг даврамизда иштирок этаётган хурматли отаси Исматилла Рашидов ҳамда онаси Оксана Даниленкога эл-юртимиз номидан ташаккур билдирамыз.

Улугбек Ўзбекистон тарихида Олимпия олтин медални қўлга киритган энг ёш спортчи сифатида ном қозонди.

Маҳоратли полвонимиз Акбар Жўраевнинг умумий ҳисобда 430 килограмм маррани эгалаб, Олимпия рекордини ўрнатгани ва иккинчи олтин медални қўлга киритгани барчамизга улкан қувонч бағишлади.

Мана шундай мард ва паҳлавон йигитни тарбиялаган Акбаржоннинг онаси

Норматова Ҳафизахон синглимизга самимий раҳматимизни айтаман.

Алломилар юрти — Сурхон замида туғилган енгилмас спортчимиз Баҳодир Жалоловни ҳаммамиз яхши биламиз. Иси жиҳмига мос бу азамат йигит ва унинг меҳрибон онаси Сабоҳат Жалоловани барчамиз қизгин қутлаймиз.

Мен улар билан аввал ҳам учрашиб, самимий суҳбатлашганимни ҳамisha яхши таассуротлар билан эслайман.

Истеъдодли боксчимиз ўтган вақт давомида ўз устида тинимсиз ишлаб, ёшларга намуна бўлди. Баҳодир азиз онасига, халқимизга берган ваъдасининг устидан чиқиб, Ватанимизга учинчи олтин медални тўхфа қилди. Шу тариқа ўзбек бокс мактабининг

шон-шухратини янада юксак босқичга олиб чиқди.

Миллий дзюдо мактабимизнинг забардаст вакили Давлат Бобонов ва маҳоратли эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмоновни кескин беллашувларда бронза медалларини қўлга киритганлари билан қутлаймиз.

Бугун даврамизда Давлатжоннинг ота-онаси Хусниддин ака ва Нурияхон опа, Бекзоджоннинг отаси Мухаммаджон Абдурахмонов ва онаси Мухаббатхон иштирок этишяпти.

Мана шундай ботир ўғлонларни тарбиялаб вояга етказгани учун уларнинг ота-оналари ва устозларига чин юракдан ташаккур изҳор этамиз.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТОКИО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда олимпия ҳаракатини ривожлантириш, халқимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга қўшаётган улкан ҳиссаси, айниқса, ҳозирги мураккаб пандемия даврида юзага келган синов ва қийинчиликларга қарамасдан, эл-юртимиз олдидаги фарзандлик бурчи-га содиқ қолиб, азму шижоати, юксак ирода ва маҳоратини, ватанпарварлик фазилатларини яққол намоён этгани, Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юқори натижаларга эришгани, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат, миллий ғурур ва

ифтихор туйғулари руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун:

1. Куйидагилар мукофотлансин:

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Жалолов Баҳодир Исомиддин ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан

Джўраев Акбар Хуснидилла ўғли — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Рашитов Улугбек Исматуллаевич — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан

Абдурахмонов Бекзод Мамамаджанович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Бобонов Давлат Хусниддин ўғли — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Давоми 3-бетда

ЯНГИ БОҒДА ИШ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 13 август куни “Янги Ўзбекистон” боғида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Боғда манзарали дахатлар ва гуллар экилиб, сўлим ҳудудлар барпо этилмоқда. Байрам тадбирлари ўтказиш учун 5 минг ўринли очик амфитеатр қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига ушбу амфитеатрда бўлажак қўлайликлар ҳақида

маълумот берилди.

“Истиклол” мажмуасининг асоси тикланиб, қуриш ва пардозлаш ишлари давом эттирилмоқда. Унда Ўзбекистоннинг 3 минг йиллик тарихи, аждодларимизнинг буюк мероси, халқимизнинг миллий қадриятлари ўз ифодасини топади.

Президентимиз ушбу мажмуадан ўрин оладиган барельеф ва безак намуналар билан танишди. Мутасадди ва қурувчиларга ўз тавсияларини берди.

ЎЗА

НАВҚИРОН АВЛОД — ДУНЁНИНГ ИШОНЧИ, КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси таҳлили ва тафсилоти

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доим давлатимиз ва жамиятимиз эътибори марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил аввалида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Женевадаги юксак минбарига туриб, Ўзбекистонда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинганини алоҳида таъкидлагани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди.

Давоми 4-бетда

АЗМУ ШИЖОАТЛИ, ВАТАНПАРВАР СПОРТЧИ ЁШЛАРИМИЗ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ, МИЛЛАТИМИЗНИНГ “ОЛТИН ФОНДИ” ДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Токиода бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари билан учрашувдаги нутқи

 Бошланиши 1-бетда

Томирларида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Пахлавон Махмуд, Заҳириддин Бобур каби буюк аждодларимизнинг куч-гайрати жўш уриб турган, уларга ҳар томонлама муносиб бўлган авлодгина бундай улкан ишларга қодир бўлади.

Бугунги кунда бутун Ўзбекистон сизлар каби баҳодир ўғлонларини олқишламоқда, жаҳон аҳли сизларга тан бермоқда.

Мен доимо бир фикрни такрорлашдан қарча-майман. Биз ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз, ақл-заковатимиз, қатъият ва иродамиз билан дунё аҳли бизни тан олиши, эътироф этишига эришишимиз керак. Янги Ўзбекистонни янги ғалабалар билан бутун дунёга танитаётган спортчиларимизнинг бекисёз ютуқлари мана шу йўлда яна бир муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

Бундай азму шижоатли, ватанпарвар ёшларимиз энг катта бойлигимиз, миллатимизнинг “олтин фонди”, десам, ўйлаيمانки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Азиз юртдошлар!

Бу йилги Олимпия ўйинлари қандай қийин ва мураккаб вазиятда ўтганини албатта барчамиз яхши биламиз. Жаҳон миқёсда давом этаётган пандемия, аввало, спортчилар учун қутилмаган жисмоний ва руҳий муаммоларни келтириб чиқарди.

Бу галги Олимпиада ҳақиқий мардлик ва матонат синовни, ҳалол ва кескин беллашувлар майдони бўлди. Мавжуд шароитдан келиб чиқиб, кўплаб мусобақалар муҳлислар иштирокисиз ўтди. Бундай ҳолат ҳам Олимпиада тарихида авваллари ҳеч қачон кузатилмаган ҳодисадир.

Ана шундай ўга оғир вазиятда Ўзбекистон спортчилари фақат ғалаба сари интилиб, ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Фарзандларимиз она халқимизнинг меҳри ва ишончи, миллионлаб муҳлисларнинг қўллаб-қувватлашини ҳар дақиқа юрак-юракдан ҳис этиб турдилар ва бу уларга чексиз куч ва мадад берди.

Фурсатдан фойдаланиб, Токиодаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган, барчамизга ҳаяжонли ва унутилмас дамларни тақдим этган Ўзбекистон Олимпия терма жамоасининг барча аъзолари ва устоз-мураббийларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Албатта, эришилган натижаларда Олимпиада ўйинларига олдиндан пухта тайёргарлик қўрилгани, бунинг учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шундай эътибор туфайли Ўзбекистон вакиллари 17 та спорт тури бўйича 71 та Олимпия йўлнамасини кўлга киритганлари ҳам миллий спортимиз тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Яна бир муҳим жиҳати — аёллар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадига амалга ошираётган катта ишларимиз ижобий натижа бермоқда. Бунн 28 нафар спортчи хотин-қизларимиз Токио Олимпиадасига йўлланмани кўлга киритгани ҳам тасдиқланади. Таъкидлаш керакики, бу мустақил Ўзбекистон тарихидаги рекорд натижадир.

Боксчи қизларимиз илк бор Олимпиадада 3 та йўлланмани кўлга киритишди. Натижада бокс бўйича жами лицензиялар сони 11 тани ташкил этди. Ушбу Олимпия ўйинларида фақат учта давлат шунча боксчи билан иштирок этганини ҳисобга олсак, бу ҳам албатта алоҳида эътиборга лойиқ кўрсаткич.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда Олимпиада ҳаракати тобора ривожланиб, янги, юксак босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Токио Олимпиадасида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз таълим олган мактаб ва олий ўқув юртиларда, вояга етган маҳаллаларда уларнинг ибратли фаолиятини тарғиб этишга бағишланган кўргазмалар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қадрли дўстлар!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, кўп йиллар мобайнида спорт гимнастикаси билан шуғулланиб келаётган, жаҳон миқёсда шухрат қозongan Оксана Чусовитина ҳақида чуқур ҳурмат билан гапирмоқчиман.

Барчамиз яхши биламизки, таникли спортчимиз биринчи марта 1992 йили Барселона Олимпиадасида иштирок этган эди. Шундан кейин у кетма-кет саккиз бор Олимпия ўйинларида иштирок этди. Бу чиндан ҳам, Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган дунё спортдаги ноёб ҳодисадир.

Оксана Александровнанинг Токио Олимпиадасидаги навбатдаги иштироки муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Жаҳон ҳамжамияти Оксанининг матонатин, ўз иши ва касбига садоқатига тан бериб, унинг чиқашларини ҳайрат ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Ҳақиқатан ҳам, бутун ҳаётини спортга бағишлаб, мана шундай йирик мусобақаларда муваффақият қозонишга тинимсиз интилиб яшаш учун кучли ирода ва фидойилик керак.

Биз бундай афсонавий спортчиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг жасорати, ғалабага бўлган иродаси ёш спортчилар учун ўзига хос юксак ютуқлар ва шон-шараф мактаби бўлиб хизмат қилади.

Оксана Чусовитина миллий спортимизни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан тақдирланди.

Аминманки, Оксана Чусовитина ўзининг муваффақиятли мураббийлик фаолияти билан спорт гимнастикаси бўйича янги чемпионларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига Оксана Чусовитина ва Баҳодир Жалоловнинг спорт маҳорати мактабини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун барча зарур шароитларни яратиб бериш вазифаси топширилади.

Хурматли Оксана Александровна, Ватанга муҳаббат ва садоқатингиз, спортдаги фидойилигингиз, букилмас ирода ва матонатингиз учун Сизга яна бир бор улкан миннатдорлик билдираман.

Мухтарам дўстлар!

Бу галги Олимпиада биз учун спорт оламида бир қатор янги истеъдод соҳибларини, янги Ўзбекистоннинг янги қаҳрамонларини кашф қилиб берганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 18 ёшли спортчи қизимиз, қорақалпоқ элининг муносиб фарзанди Зайнаб Дайиббекова қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича Ўзбекистон тарихида биринчи марта Олимпиада қатнашчиси деган шарафга сазовор бўлди. Энг муҳими, у мусобақаларнинг иккинчи даврасида Осиё ўйинларининг финалчиси, дунё рейтингида 3-ўринда бораётган хитойлик тажрибали спортчини мағлۇб этди.

Мен ишонаман, Зайнаб қизимиз келгуси Олимпия ўйинларида янада фаол иштирок этиб, ўзининг тиришқоқлиги билан Ўзбекистонимизга албатта олтин медаль олиб келади.

Ўн тўққиз ёшли Қумушхон Файзуллаева эса 76 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги қизлар ўртасида оғир атлетика баҳсларининг энг ёш иштирокчиси сифатида эътироф этилди. Таъкидлаш лозимки, дунё миқёсда камдан-кам спортчи бу ёшда Олимпия ўйинларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси юртимизда ёш авлод тарбиясига, жисмоний тарбия ва спорт ривожига қаратаилаётган юксак эътибор ва амалий ғамхўрлик натижасидир.

Хурматли дўстлар, мана, кўриб турибсизлар — Ўзбекистоннинг жасур спортчи қизлари халқаро майдонларга дадил кириб келмоқда. Барчамиз уларга чин қалбдан тасанно айтамыз.

Айни вақтда мен спортчи йигитларимизга қараб айтмоқчиман: агар қаттиқ рағбат қилмасаларингиз, қизларимиз ҳадемай сизлардан ўтиб кетади.

Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия масканлари билан бирга, янги-янги спорт мактаблари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилаётгани фарзандларимизнинг қалбида спортга меҳр уйғотмоқда. Айниқса, бу соҳада фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишларимиз ижобий самара бермоқда.

Аминманки, ушбу Олимпиада натижалари мамлакатимизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга кучли туртки беради.

Энг асосийси, бундай ғалабалар ўсиб келаётган ёшларни барча соҳалар қатори спорт бўйича ҳам маррани баланд олиб, доимо ғалаба сари интилиб яшашга ўргатади, соғлом турмуш тарзини ҳаётимиз қондасига айлантиришга хизмат қилади.

Албатта, жаҳоннинг энг йирик спорт мусобақаси бўлмиш Олимпия ўйинларида иштирок этишнинг ўзи катта шараф ва масъулият. Бунн барчамиз яхши тушунамиз. Бунинг учун қанча оғир довлонлардан, машаққатли синовлардан ўтиш талаб этилади.

Бу гал омади келмаган спортчиларимизга қарата, руҳингиз тушмасин, келгуси сафар бахт сизларга албатта қулиб қокади, деб ишонч билдиrhoқчиман. Улар ҳам кескин баҳсларда ғайрат ва шижоат билан кураш олиб бориб, катта синовларда ўз салоҳиятини намoён этганлари биз учун муҳимдир. Шунинг учун уларни ҳам ғолиблар қаторида кўриб, чин дилдан олқишлаймиз.

Биз Олимпиаданинг ғолиб ва совриндорлари, уларнинг тренерлари ҳамда барча иштирокчиларни муносиб тақдирлашга қарор қилдик. Ўзбекистонда Олимпиада олтин медалли соҳиблари — 200 минг АҚШ долларидан, бронза медалли эгалари — 50 минг АҚШ долларидан мукофот пули билан тақдирланиши белгилаб қўйилганидан хабарингиз бор, албатта.

Спортчиларимизни мурасбасиз беллашувларга тайёрлашда эртаю кеч улар билан бирга бўлган жонқуяр мураббийларнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим. Бугун ғолиб ва совриндор спортчиларимизни тайёрлашда чинакам фидойилик кўрсатган Тўлқин Қиличев, Павел Хан, Фарход Мирзажонов, Нурали Қобулов, Музаффар Абдурахмонов каби тажрибали мураббийларнинг номиларни чуқур ҳурмат билан тилга оламиз.

Биз Олимпия чемпионларининг тренерларини 40 минг АҚШ долларидан, бронза медаль соҳибларининг мураббийларини 20 минг АҚШ долларидан мукофотлашни лозим деб топдик.

Агар Олимпиадада иштирок этган ҳар бир спортчи кўп йиллик оғир тайёргарлик жараёнидан ўттишини кўз олдимизга келтирсак, улар ҳам бугун ғолиблар қаторида тақдирланишга муносиб эканига амин бўламыз. Шунн ҳисобга олган ҳолда, бу спортчиларимизнинг ҳар бирини 5 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантиришга қарор қилдик.

Қадрли юртдошлар!

Токио Олимпиадаси бизга янги қаҳрамонларни кашф қилиб берди. Улар ўзлари эришган ютуқ ва натижалар билан келгуси Олимпиадаларда янада

муваффақиятли иштирок этиш учун мустаҳкам пойдевор яратадилар, десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда Олимпия ўйинларида жамоавий спорт турлари бўйича сезиларли натижага эриша олмаганимизни очиқ тан олишимиз керак. Бу ҳол мутасадди раҳбарларни жиддий ўйлантириши зарур. Агар кимдир, бундан кейин ҳам олдинги Олимпия ўйинларида бўлгани каби, фақат яккакураш спорт турлари ҳисобидан ютуқларга эришамиз, деб ўйласа, адашади. Билиб қўйинглар, бу — мутлақо нотўғри ёндашув.

Барчамиз яхши тушунамизки, Ватанимизнинг спорт соҳасидаги улкан салоҳиятини намoён этишда 2024 йилда бўладиган Париж Олимпиадаси янада муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақиқатни барчамиз чуқур ҳис этиб, ҳар томонлама тушуниб, аниқ тизим асосида иш олиб боришимиз зарур.

Бўлгуси Олимпиада олдиндан футбол, баскетбол, гандбол, чим устида хоккей, регби, волейбол сингари жамоавий спорт турлари бўйича ҳам йўлланмаларни кўлга киритиш асосий мақсадимиз бўлиши зарур.

Шу муносабат билан қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, мамлакатимиз спорт делегациясининг Токио Олимпиадасидаги иштирокини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни сарҳисоб қилишимиз керак.

Бунинг учун спорт менежменти бўйича нуфузли халқаро компаниялардан бирини жалб этган ҳолда, мамлакатимизда ушбу соҳада бошқарув тизимининг ҳар бир бўғинини аудитдан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов Миллий олимпия кўмитаси ва Миллий паралимпия кўмитаси билан биргаликда жорий йил якунига қадар аудит натижаларига асосан жисмоний тарбия ва спортни ҳамда спорт федерациялари бошқарув тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тақилларни ишлаб чиқиб киритсин.

Келгуси Олимпия ўйинларида ҳар томонлама тайёргарликни шу бугундан бошлашимиз керак. Ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, астойдил ҳаракат қилсак, албатта натижага эришамиз. Мисол учун, Парижда бўлиб ўтадиган навбатдаги ёзги Олимпиадага 100 дан зиёд лицензияни кўлга киритиш ва медаллар бўйича етакчи 15 та мамлакат қаторидан жой олиш учун ҳамма имкониятларимиз бор.

Шу билан бирга, барча шаҳар ва туманларда тегишли спорт турларини ривожлантириш ва зарур шароитлар яратиш чораларини қўриш бугунги кун талабидир. Бу ҳақда гап кетганда, ҳар бир ҳудуд кесимида Олимпиада ўйинларига ҳозирлик қўриш дастурларини ишлаб чиқиб, уни тизимли ташкил этиш керак.

Бош вазир А.Арипов бу соҳада эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, Париж Олимпиадасига тайёргарлик қўриш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

Иккинчидан, спорт бўйича таълим сифатини яхшилашимиз, иқтидорли, истиқболли спортчиларни саралаш (селекция) ва уларнинг захирасини шакллантириш тизимини тубдан такомиллаштиришимиз лозим.

Бунда замонавий ўқитиш дастурлари ва методикасини амалиётга жорий этиш, спорт таълим муассасаларида Паралимпия бўлимларини ташкил этиб, уларга 10 фoиз қўшимча квоталар ажратиш яхши натижа бериши мумкин.

Спортчиларни ўқитишда ота-оналар томонидан пул тўлаш тартибини бекор қилиш зарур. Шунингдек, битирувчиларни олий таълим муассасаларига жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги бўйича давлат гранти асосида тўғридан-тўғри иккинчи босқичга, имтиҳон синовларисиз қабул қилиш тизимини ҳам жорий этишимиз керак.

Олимпия заҳиралари коллежларига юқори натижаларга эришган, бой тажрибага эга ва айниқса, спортнинг жамоавий турлари бўйича юқори малакали мутахассисларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда катта харажатлар эвазига хоридан спортчиларни (легионер) олиб келиш тажрибаси унчалик ҳам ўзини оқламаётганини очиқ айтишимиз керак. Бундай амалиётдан воз кечиб, маҳаллий спортчиларимизни тарбиялашга жиддий эътибор қаратадиган пайт келди. Хоридан легионерлар эмас, етуқ мутахассисларни ҳамда спортчиларни тайёрлаш методикасини олиб келиш керак.

Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов, олиб ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошқулов Миллий олимпия кўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда спорт йўналишида таълим сифатини янада ошириш, шунингдек, ривожланган мамлакатлардан юқори малакали мураббий ва мутахассисларни, замонавий методикаларни олиб келиш бўйича тақлиф киритсин.

Учинчидан, республикаимиздаги мавжуд олимпия заҳиралари коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш бўйича квоталарни спорт турларининг хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантиришга эътибор қаратишимиз лозим.

Мисол учун, волейбол жамоасининг таркиби 10 нафарни ташкил этса-да, коллежларга атиги 3-5 нафардан ўқувчи қабул қилинмоқда. Бундай ҳолат жамоавий спорт турларининг барчасида кузатилмоқда. Табиийки, бу аҳволда ушбу соҳаларни ривожлантириш мумкин эмас.

Шунингдек, мамлакатимизда юқори даражада ривожланган бокс спорти бўйича коллежларга қабул квотаси атиги 4 нафар этиб белгиланганини ҳам қонқарили, деб бўлмайди. Вахоланки, дунёда ушбу спорт тури бўйича 13 та вазн тоифасида беллашувлар ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, олимпия заҳиралари коллежларида қабул квоталарини бутунлай қайта кўриб чиқиб, янги тизим асосида белгилаш зарур. Бундай таълим муассасаларини ҳудудларда яхши ривожланган спорт турларига ихтисослаштириш ижобий натижалар бериши шубҳасиз. Айтайлик, Сурхондарё ва Қашқадарёда — спортнинг яккакураш турлари, Фарғона водийси вилоятларида — жамоавий спорт ўйинлари ва бокс, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Тошкент вилоятларида — оғир атлетика, қиличбозлик бўйича таълим бериш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

А.Абдуҳакимов Миллий олимпия кўмитаси ва спорт федерациялари билан биргаликда бир ой муддатда олимпия заҳиралари коллежлари фаолиятини қайта ташкил этиш ҳамда спорт таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳасини киритсин. Қарорда Миллий олимпия кўмитасига ушбу коллежлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, жойларда ёш истеъдод эгаларини излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, селекция ишлари билан жиддий шуғулланиш каби вазифалар юклатилиши зарур.

Тўртинчидан, бугунги кунда республикаимизда 329 та спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда 13 минг нафардан зиёд тренерлар қўл остида 328 мингдан кўпроқ ёшлар спортнинг 30 дан ортққ тури бўйича мунтазам шуғулланмоқда.

Бироқ ана шу мактабларнинг ҳаммаси ҳам самарали фаолият кўрсатмаяпти. Аксарият спорт мактабларидан биронта республика чемпиони етишиб чиқмагани ҳам фикримиз далилидир. Ҳолбуки, олимпия заҳиралари коллежларида 7 минг нафар бола таълим олмақда. Уларнинг ўқиши учун бюджетдан қанча маблағ берилади. Лекин уларнинг орасида атиги 70 нафари Олимпия қатнашчиси бўлиши — бу албатта қонқарсиздир.

Шунинг учун 2021 йилдан бошлаб ҳар бир спорт мактабига давлат бюртмаси бериш тизимини жорий этиш лозим. Бунда спорт мактаблари томонидан ҳар йили “спорт усталигига номзод”, “спорт устаси”, “халқаро тоифадаги спорт устаси” каби разряд ва унвонларга эга бўлган спортчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу тизим орқали спорт мактабларининг рейтингни юритилиши ва уларнинг фаолиятига шу асосда баҳо берилади.

А.Абдуҳакимов бир ой муддатда спорт мактабларида давлат бюртмаси тизимини жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бешинчидан, спорт турлари бўйича ўтказилаётган мамлакат чемпионатларининг савияси тушиб кетган. Энг ачинарлиси, бу соҳада коррупция ҳолатлари қўлга ташланмоқда.

Масалан, спорт мусобақаларининг ҳудудий босқичлари ўтказилмасдан, фақатгина маълум бир тоифадаги спортчиларни республика босқичига олиб келиш одатий ҳолга айланган. Шу боис, чемпионатларидида кучли спортчилар жуда кам, рақобат деярли йўқ. Бунинг устига, спортнинг жамоавий ўйин турлари бўйича ҳудудлардан жамоалар етарлича иштирок этмаяпти. Федерациялар эса чемпионатларни бор-йўғи 4-5 та жамоа иштирокида, номига ўтказиш билан чекланиб қолмоқда. 2021 йилда баскетбол ва сув полоси бўйича Ўзбекистон чемпионатларида 4 тадан жамоа қатнашгани бунга мисол бўла олади.

Спорт йўналишидаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун соҳада биринчи навбатда давлат бошқарувини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Бош вазир А.Арипов бир ой муддатда Туризм ва спорт вазирлигининг тузилмасини қайта қуриб чиқиш ҳамда жамоавий спорт мусобақаларини ўтказишни такомиллаштириш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини киритсин.

Олтинчидан, Олимпия заҳирасидаги спортчиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолати ҳамда фармакологик таъминотини яхшилаш, бунда илгор хорижий тажриба билан бирга илмий ёндашув ва халқ таъоботини қўллаш муҳим ҳисобланади.

Спортчиларнинг жисмоний ва руҳий тикланишига ёрдам берадиган, уларнинг саломатлиги ва жисмоний қобилиятига ижобий таъсир этадиган маҳаллий озиқ-овқатлар рўйхати ҳамда оптимал овқатланиш рационаларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш лозим.

Олимпия терма жамоалари спортчиларининг руҳий тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим. Чунки спортчининг руҳий тайёргарлиги, ўзига ишончи қанчалик кучли бўлса, албатта, натижа ҳам шунча яхши бўлади. Шу мақсадда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида спорт психологияси ва диетологияси бўлимларини ташкил этиш лозим.

Миллий олимпия кўмитаси соғлиқни сақлаш вазири А.Ҳожибоев ва молия вазири Т.Ишметов билан биргаликда бир ой муддатда Кўмита қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Еттинчидан, ёзги ва қишки Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинлари, нуфузли халқаро мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари ҳамда уларнинг тренерларини рағбатлантиришнинг замонавий тизимини жорий этиш зарур.

Шу мақсадда ўсирирлар ва ёшлар ўртасидаги ҳажон мусобақаларининг ғолиб ва совриндорларини ҳамда уларни ана шу мусобақаларга тайёрлаган мураббийларни ҳам рағбатлантиришни кенгайтирамиз. Бунда олтин медаль совриндори — 3 минг доллар, тренерига — 2 минг доллар,

қумуш медаль соҳибига — 2 минг доллар, тренерига — 1 минг доллар, бронза медалли учун — 1 минг доллар, тренерига — 500 доллар миқдорида мукофот пули берилади.

Бундан ташқари, нуфузли халқаро чемпионатлар ғолибларининг устозлари “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвонлари билан тақдирланади.

А.Абдуҳакимов, Т.Ишметов Миллий олимпия кўмитаси ва Миллий паралимпия кўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда спортни молиялаштириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиб, уни замонавий талабалар асосида такомиллаштириш юзасидан тақлиф киритсин. Бунда ушбу жараёнинг шаффоф бўлиши ҳамда сарфланган маблағларнинг натижадорлигига, иқтидорли спортчиларни тайёрлаган биринчи тренерларни ҳам моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

Саккизинчидан, ҳудудларда иқтидорли спортчи ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда Ўзбекистон чемпионатларини ташкил этиш ишларини тўлиқ рақамлаштириш зарур. Бу, ўзи навбатида, олимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларга спортчиларни жалб этиш тизимини адолатли ташкил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТОКИО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН
XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА
ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ
ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Абдурахманов Музаффар Махамаджонович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Кабинов Истам Ашурович — Бухоро вилояти Когон шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бокс бўйича мураббийси

Қиличев Фаррух Комилович — Тошкент вилояти Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати бокс бўлими бош мураббийси

Кобулов Нурали Ўктамович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Мирзаджанов Фарход Мирхамитович — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси оғир атлетика бўйича мураббийси

Расулов Элшод Юнусович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Хан Павел Афанасьевич — Тазквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Чусовитина Оксана Александровна — Гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Зоиров Шахобидин Шокирович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Қиличев Тўлқин Махмурович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Махмудов Шахрилло Шарипович — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

“Дўстлик” ордени билан

Камилов Азизжон Якубжанович — Ўзбекистон дзюдо федерацияси раиси

Назлимов Владимир Аливерович — Қиличбозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Полатов Сакен Джетибаевич — Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари

Сайидов Рамзиддин Бешимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Ташматов Шерзод Рихсибаевич — Ўзбекистон тазквондо ассоциацияси раиси

“Жасорат” медали билан

Дайибекова Зайнаб Казбековна — Қиличбозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Мирзахалилов Миразизбек Мирзакарим ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Рахимова Турсуной Фарход кизи — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Келажак бунёдкори” медали билан

Абдурахимов Расулжон Шухрат ўғли — Гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Воронина Екатерина Александровна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Зокирова Нилуфар Обиджон кизи — Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Келдиёрова Диёра Бахтиёр кизи — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Қодирова Райҳона Юсуф кизи — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Набиева Муаттар Абдуллажон кизи — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Рафалович Никита Игоревич — Тазквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Рахматова Дилноза Бакир кизи — Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Садуллаева Сафина Эркиновна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тоҳирова Мухтасар Жаҳонгир кизи — Уқ отиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Шухрат” медали билан

Алимова Дилрабо Ахмаджоновна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали “Ижтимоий-ҳуқуқий ва спорт дастурлари” муҳарририяти спорт бўлими мудир

Каюмов Азиз Илхамович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси шифокори

Мирзадиёров Рустам Исламович — Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта мураббийси

Муслимов Обиддин — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мануал терапия бўйича мутахассиси

Расулов Комилжон Қуддусович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси шифокори

Эргашев Адхамжон Абдуллажон ўғли — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Юлчиев Суннатулла Туйчибаевич — Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази спорт тиббиёти бўлими шифокори

Юнусов Масъуджон Алимджонович — Тазквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош шифокори

2. Вазирлар Маҳкамаси Олимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийларга белгиланган тартибда илолага мувофиқ пул мукофоти берилишини таъминласин.

СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРГА
ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Моҳир боксчи Баҳодир Жалолов, Президентимизга берган ваъдасининг устидан чиқиб, энг оғир вазн тоифасида Олимпия ўйинлари ғолиби бўлди.

Юртимиз яккакурашлар мактабининг умидли вакиллари — дзюдочи Давлат Бобонов ва эркин курашчи Бекзод Абдурахмонов бронза медалларини қўлга киритдилар.

Президентимиз ушбу спортчиларнинг ота-оналари ва мураббийларига алоҳида раҳматлар айтди.

— Томирларида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Пахлавон Маҳмуд, Заҳриддин Бобур каби буюк аждодларимизнинг куч-ғайрати жўш уриб турган, уларга ҳар томонлама муносиб бўлган авлодгина бундай улкан ишларга қодир бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда аёллар спорти ривожланиб бораётгани эътироф этилди. Буни Токио Олимпиадасида 28 нафар спортчи қизларимиз қатнашганида ҳам қўриш мумкин. Бу мустақил Ўзбекистон тарихида рекорд натижадир.

Давлатимиз раҳбари дунё миқёсида шухрат қозонган қаҳрамон спортчимиз Оксана Чусовитина ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. У спорт гимнастикаси бўйича кетма-кет 8 марта Олимпия ўйинларида қатнашган. Бу жаҳон спорти тарихида ноёб ҳодиса бўлиб, Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Шу боис, унинг иштироки Токио Олимпиадасининг муҳим воқеаларидан бири сифатида эътироф этилди.

— Бундай афсонавий спортчимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг жасорати, иродаси, ғалабага қатъий интилиши ёш спортчилар учун улкан муваффақият ва шон-шаъраф мактаби бўлиб қолади, — дея таъкидлади Президент.

Ватанга муҳаббати, спортга фидоийлиги ва улкан хизматлари учун Оксана Чусовитинага “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” унвони берилди.

Вазирлар Маҳкамасига Оксана Чусовитина ва Баҳодир Жалоловнинг спорт мактабларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Президентимиз қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олимпиадада қатнашган 18 ёшли Зайнаб Дайибекова ва, оғир атлетика баҳсларининг энг ёш иштирокчиси бўлган 19 ёшли Қумушхон Файзуллаевани ҳам тилга олди.

КУН МАВЗУСИ

ВАКЦИНАНИ РАД ЭТИШ
Ўзингиз, оилангиз ва яқинларингиз ҳаётини
хатарга дучор қилиш демак



Нурмат АТАБЕКОВ, Санитария-эпидемиологик осовишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари

Вакцина — бу юқумли касалликларга қарши иммунитет ҳосил қилиш учун мўлжалланган тиббий препарат. У заифлашган, ўлдирилган микроорганизмлардан ёки уларнинг генетик муҳандислик, кимёвий воститалар ёрдамида олинган антигенларидан тайёрланади.

Эмлаш организмда маълум хотира ҳужайралари пайдо бўлиши орқали мослашувчан иммунитет реакциясини рағбатлантиради. Кейинчалик шу агент билан инфекцияланиш тезкор иммун реакциясини келтириб чиқаради.

Вакциналар микроб (вирус ёки бактерияларнинг заифлашган, зарарсиз бўлаги бўлиб, юборилгандан сўнг иммунитет тизими танага кирган микробни аниқлайди. Унга қарши курашиш учун антитаначалар ишлаб чиқариб, коронавирус билан қандай курашиш кераклигини эслаб қолади. Агар инсон келгусида ушбу микроб таъсирига дуч келса, иммунитет тизими уни қандар бартараф қилишни билади.

— Мана, кўриб турибсизлар, Ўзбекистоннинг жасур спортчи қизлари халқаро майдонларга дадил кириб келмоқда. Барчамиз уларга чин қалбдан тасанно айтамыз. Аини вақтда мен спортчи йигитларимизга қараб айтмоқчиман: агар қаттиқ ғайрат қилмасаларингиз, қизларимиз ҳадемай сизлардан ўтиб кетади, — дея луф қилди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, юртимизда Олимпия ўйинларининг ғолиблари 200 минг АҚШ долларидан, кумуш медаль соҳиблари 100 минг ва бронза медаль эгалари 50 минг АҚШ долларидан мукофот пули билан тақдирланиши белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари спортчиларни мурасасиз курашларга тайёрлашда мураббийларнинг хизматлари катта эканини алоҳида таъкидлади. Шу боис, Олимпиада чемпионларининг мураббийлари 40 минг АҚШ долларидан, бронза медаль соҳибларининг устозлари 20 минг АҚШ долларидан мукофот-ланиши айтилди.

Олимпия ўйинларига йўлланма олиш ва унда иштирок этишнинг ўзи ҳам бир муваффақият. Бунинг учун спортчи кўп йиллар давомида машғулот олиб боради, ўзини шунга бағишлайди. Шунини ҳисобга олиб, бундай спортчиларнинг ҳар бири 5 минг АҚШ доллари микдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилиши маълум қилинди.

Табдирда 2024 йилда Парижда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик борасидаги вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Авалло, спорт менежменти бўйича халқаро компанияни жалб этган ҳолда, соҳанинг ҳар бир бўғинини аудитдан ўтказиш, унинг натижалари асосида жисмоний тарбия ва спортни ҳамда спорт федерациялари бошқарув тизимини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Фақат яккакурашлар билан чекланмасдан, жамоавий спорт турлари бўйича ҳам йўлланмаларни қўлга киритиш муҳимлиги таъкидланди.

Спорт бўйича таълим сифатини яхшилаш, замонавий методика ва амалиётларни жорий этиш, иқтидорли спортчиларни саралаш ва тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Хориждан легионерлар эмас, етук мутахассисларни ва спортчиларни тайёрлаш методикасини олиб келиш керак, — деди Президент.

Олимпия захиралари коллежларида қабул квоталарини бутунлай қайта кўриб чиқиш ва уларда таълим тизимини такомиллаштириш бўйича топшириқ берилди.

Мамлакатимизда 329 та спорт мактаби бор. Уларда 13 минг нафардан зиёд мураббийлар ишламоқда, 328 мингдан ортиқ ёшлар спортнинг 30 дан ортиқ тури билан шугулланмоқда. Бироқ бу мактабларнинг ҳаммаси ҳам самарали фаолият кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Айримларидан биронта республика чемпиони етишиб чиқмаган.

Шунинг учун 2021 йилдан бошлаб ҳар бир спорт мактабига давлат буюртмаси бериш тизимини жорий этиш, уларда спорт разряди ва унвонларга эга ўғил-қизларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Республика миқёсидаги чемпионатларнинг тузилмасини ҳамда жамоавий спорт мусобақалари ўтказишни такомиллаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Шу боис, Туризм ва спорт вазирлигининг тузилмасини ҳамда жамоавий спорт мусобақалари ўтказишни такомиллаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Спортчиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолати ҳамда фармакологик таъминотини яхшилаш, бунда илғор хорижий тажриба билан бирга, илмий ёндашув ва халқ таъботини қўллаш муҳимлиги таъкидланди. Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, у ерда спорт психологияси ва диетологиясини бўлиmlарини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларининг ғолиб ва совриндорларини ҳамда уларнинг мураббийларини рағбатлантириш чоратадбирлари белгиланди.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва чемпионатлар ўтказиш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, Олимпия захиралари платформасини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 августдаги фармонига мувофиқ, Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII Ёзи Олимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Табдирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Спортчи ва мураббийлар, ота-оналар сузга чиқиб, юксак ҳурмат ва эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ВАТАНИНГ СЕВМАГАН
БАХТИЁР БЎЛМАС



Шерали ЖЎРАЕВ, “Ватандошлар” жамоат Фонди вассийлик кенгаши раиси, Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артиси

Ватандош деган сўзда юракни қалқитиб юборадиган ҳаяжон, қувонч, шодлик, ифтихор ва яна изохлаш қийин бўлган изтироб бор. Мен бир қўшиғимда “Ватан деб ох урмакни ватансиздан сўраб кўр”, деган эдим. Зеро, Ватан бизнинг отамиз, онамиз, шу заминда туғилган ҳар бир инсон учун муқаддас макон!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги эзгу ташаббуси яхши ниятли барча-барчани беҳад тўлқинлантириб юборди. “Ватандошлар” жамоат Фондининг таъсис этилиши бу, аввало, ўзини шу замин, шу тупроққа дахлдор деб билганлар учун катта байрам бўлди. Ким бўлмасин, қандай ҳаракат ва фаолият киши-си бўлмасин, у энди “Ватандошлар” жамоат Фонди ҳузурига таплинади, ошиқади. Шу аснода Ўзбекистон деган муборақ юрт фарзандлари бири-бирига янада жипслашади, давралар гавжумлашади, миллатдошлар кўпроқ дийдорлашади, дардлашади, муаммоларга баҳамжйхат ечимлар топишади.

Мен жуда кўп хориж мамлакатларида бўлдим. “Онагинам”, “Ўзбегим” деб қўшиқ бошлаганимда, қўзидан дув-дув, ёш оққан ватандошларимни кўрдим. Ўшаларнинг изтиробларига, соғинчларига бир зум шерик бўлар эканман, ўзимда кучли сесканиш сезардим. Шундай кезларда беихтиёр буюк шоиримиз Эркин Хождов:

“Жаҳонда мен туғилган ўлкадек ҳеч бир диёр бўлмас,

Бу янглиғ боғ-у гулшан ҳам бу янглиғ гул-у зор бўлмас,

Ватан севмакдин ортиқ менга оламда шior бўлмас,

Ватанин севмаган инсон, жаҳонда бахтиёр бўлмас!” — дея беҳуда ёзмаганини эътироф этасан киши.

Бир гап, адашмасам, 2001 йил эди, ижодий сафар билан Исроил давлатига борганимизда Тель-Авив шаҳрида яшовчи, бир пайтлар Самарқанддан кўчиб кетган Эммануэл деган яҳудий ватандошимиз бизни хонадонига чақирди. Мехмондорчилик даврасида Ватан ҳақидаги қўшиғимни айтдим. Қўшиқ ярмига борганда Эммануэлнинг онаси — ўқитувчи уввос солиб йиғлаб юборди!.. Қаранг, Самарқандда туғилиб ўсган, тақдир тақозоси билан бу ердан кўчиб кетган онахонининг Ватанимизга бўлган самимий туйғуларининг ифодасини кўринг. Мен ярим асрлик ижодим давомида ўнлаб чет эл сафарларида бундай ҳолатларни жуда кўп кўрдим.

“Азизларим, биродарларим! Азиз Ватан, она Ўзбекистон — барчамизники. “Ватандошлар” жамоат Фонди шу муқаддас Ватанимизга бўлган ифтихоримизга лаббай, деб хизмат қилади, албатта.

Юклатилган масъулиятни мен ўзимга билдирилган юксак ишонч, эътибор ва жуда катта масъулият деб билиб, бор имкониятим билан шу юртга хизмат қилишга шайман.

НАВҚИРОН АВЛОД — ДУНЁНИНГ ИШОНЧИ, КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси таҳлили ва тафсилоти



Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Спикерининг
биринчи ўринбосари, Инсон
ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий
маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида айни йўналишда қатор ташаббусларни илгари сурди:

биринчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

иккинчидан, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

учинчидан, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш тақлифлари билдирилди.

Бугунги кунда халқимиз ва халқро ҳамжамят томонидан қўллаб-қувватланган ана шу ташаббусларнинг барчаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йил 12-13 август кунлари Тошкентда “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзусида ўтказилган **Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференцияси** бунинг ёрқин далолатидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу халқро анжумани ўтказиш вазифаси, аввало, Ҳаракатлар стратегиясининг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга доир давлат дастурида белгиланган бўлишига асосланган. Бу вазифа, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги ташаббуси ва тақлифларини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасида ҳам кўзда тутилган.

Халқро анжуман арафасидаёқ ташкилотчилар томонидан **Бутунжаҳон конференциясининг расмий веб-сайти** (<http://www.youthforum.uz/>) ишга туширилди. Сайтта ёшлар ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқларига оид ўндан ортқк видеоорлик, расмий ҳужжатлар ва адабиётлар, шунингдек, конференция яқини ҳужжати-нинг лойиҳаси жойлаштирилди.

Конференциянинг икки кунлик иши давомида 67 нафар маърузачи сўзга чиқди. Шундан 49 нафари хорижий экспертлар, халқро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари ҳисобланади. Миллий маърузачилар 18 нафар бўлиб, 10 нафари ёшлардир.

Халқро анжуманининг 3 та ялпи ҳамда 3 та параллел сессияларида 30 дан ортқк иштирокчи мунозараларда иштирок этди. Ушбу кизгин мунозара ва мушоадалар, ўз навбатида, ёшларнинг ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини кенгайтириш, қонуний манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилди.

Конференция тафсилотлари 50 дан ортқк миллий ва 30 дан ортқк хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилди. Халқро анжуман иши ҳақида интернет ва ижтимоий тармоқларда, хусусан, Telegram, Instagram, Facebook, Linkedln, Twitter, V Kontakte ва бошқа тармоқларда ҳам матнли, фото ва видеоахборот тарзда изчил зълон қилиб борилади. Халқро анжуманининг иш жараёнлари интернетнинг Ютуб ([youtube](https://www.youtube.com/)) канали орқали бевосита жонли эфирга узатилди.

Бутунжаҳон конференциясининг асосий мақсади

Бундан бир йил олдин худди шу кунлари ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми ўтказилган. Нафақат мамлакатимиз ва минтақамиз, балки бутун сайёрамиз ёшларининг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорлик муҳимлигини алоҳида таъкидлашга қаратилган халқро анжуманда “**Ёшлар-2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон**

ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинганди.

Резолюцияда, жумладан, ёшлар ҳуқуқлари ҳар ким фойдаланиши зарур бўлган, аммо айримлар ёшининг кичиклиги туфайли бундай имкониятдан маҳрум этилган ҳуқуқлар экани қайд этилган. Ушбу ҳужжат ҳозирги даврда давлатларнинг ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларга ёшларни янада кенг жалб этиш зарурлигининг ҳар томонлама тасдиғидир.

Шу маънода, яқинда бўлиб ўтган **Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференцияси**, **шубҳасиз, Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумининг мантқий давоми ҳисобланади**. Чунки Тошкент халқро анжуманини ўтказишда ёшлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида янги ғоялар, устувор соҳалар, амалий ечимлар ва янгиликларни муҳокама қилиш учун платформа яратиш ва умумий муаммоларни бирликлда ҳал қилиш асосий мақсад сифатида белгиланган.

Бутун дунёда ёшлар аҳолининг мисли қўрилмаган даражада кўпчилик қисмини, яъни 2 миллиард нафарни ташкил қилмоқда. Бу аксарият мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам аҳолининг ўсиб борадиган катта қисми ёшлардан иборат, дегандир.

БМТ доирасида ва ўндан ташқаридаги мулоқот майдонларида ёшлар масаласи тез-тез муҳокама марказига қўйилмоқда. Аммо глобал ривожланиш даврида олдинга қараб қадам қўйиш зарурати мавжуд.

Жорий йил июнь ойида Ўзбекистонга расмий таширф буюрган таниқли сиёсатчи, **Парламентлараро Иттифокнинг Бош котиби Мартин Чунгонг** суҳбат чоғида бир фикрни афсус билан таъкидлади. Сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган инсонлар ташкил этса-да, бутун дунё бўйича ёш депутатларнинг улуши 2,6 фоизга ҳам етмас экан. Олий мартабадаги меҳмон Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан ошганини юқори баҳолади. Бу — катта эътироф, албатта.

Парламентлараро Иттифокнинг “Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!” деган эзгу ташаббуси доирасида илк бор Ёшлар парламентлари аъзолари билан халқро давра суҳбати ўтказилди. Ушбу ташаббус асосида сиёсий етук ва фаол йигит-қизларни миллий парламент ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенг жалб этимиз.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Халқро ёшлар кўни муносабати билан йўллаган табригида шундай деб таъкидлади: **“Мен ёшлар вакилларига музокаралар даврасида иштирок этишлари учун ёнимиздан жой ажратишни ҳар бирингиздан қатъий сўрайман. Токи улар ҳамма учун кенг қамровли, адолатли ва барқарор ривожланишга таянладиган ҳаёт барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда имкон қадар бизга ёлқош бўлсалар”**.

Ўз навбатида, **ЮНЕСКО Бош директори Одрэ Азүле** Халқро ёшлар кўнига бағишланган мурожаатда ҳозирги кунда юзга келган мураккаб вазиятда, қоронавирус пандемияси билан боғлиқ шароитлар қарамасдан, бутун инсониятнинг келажаги ҳисобланувчи ёшларни қўллаб-қувватлашга қадирди. **“Бунда навқирон авлоднинг фақуллода ақл-тафаккури, креативлигини ишга сола билганиши миз керак, — деди О.Азүле. — Зеро, аксарият ҳолларда айна ёшлар ўзларини қинаётган муаммоларни ҳал этишнинг қулай йўллари биринчидан бўлиб бизга тақлиф этишлари беҳиз эмас”**.

Чиндан ҳам, **Барқарор ривожланиш мақсадларига қанчалик эришишимиз бугунги ва эртанги ёшларга бевосита боғлиқ**. Шу боис, Бутунжаҳон конференцияси доирасидаги муҳокамаларнинг ечими, содда қилиб айтганда, **“Ёшларнинг ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга қандай қилиб қўмаклашиш мумкин?”** деган саволга аниқ жавоб топишга ва шу мавзу билан боғлиқ муаммоларга амалий ечимлар тақлиф этишга қаратилди.

Бутунжаҳон конференциясининг ўзига хос хусусиятлари

Биринчидан, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси БМТ томонидан зълон қилинган тарихий сана, яъни 12 август — **Халқро ёшлар кўни-да иш бошлади**.

Икинчидан, Тошкент халқро анжуманининг ташкил этилиши 2021 йил Ўзбекистонда **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”** деб зълон қилингани муносабати билан мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган **Ёшлар форуми ва фестиваллари** миллионлаб ўғил-қизларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирган жўжун даврга тўғри келди.

Учинчидан, Бутунжаҳон конференцияси ишида БМТ ва ушбу нуфузли ташкилотнинг бутун дунёдаги тузилмалари

ҳамда бошқа халқро ташкилотлардан олий даражадаги вакиллар иштироки этди.

Тўртинчидан, халқро анжуман сайёрамиздаги ёшларнинг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлашга хизмат қилди.

Ана шу тўрт хусусиятнинг ҳар бирида ўзига хос рамзий маъно бор. Қолаверса, **Бутунжаҳон конференцияси** ҳам шаклан, ҳам мазмунан бетакрор аҳамият касб этди.

Шаклан ёндашганда, пандемия туфайли ёшларга мос ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, конференция гибрид тарзда — онлайн ва офлайн форматларда ўтказилди. **Мазмун** жиҳатидан эса, у айнан ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларига бағишлангани билан алоҳида ажралиб турди.

Бутунжаҳон конференциясида қатнашган хорижий иштирокчиларнинг умумий сони — 40 дан ортқк давлатдан 150 дан зиёд вакил, миллий иштирокчилар эса, 350 дан ортқк кишидан иборат бўлди. Иштирокчилар орасида:

“**Декларацияда таъкидланганидек, “Биз ёшларни вакцинациялаш қатламлар, жумладан, ёш мигрантлар, қочоқлар, ишсизлар, уйсизлар, маҳбусларга алоҳида эътибор қаратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун етарлича маблағ ажратилишига қақирамиз”**.”

- 13 та халқро ва 7 та минтақавий ташкилот;
- 11 та халқро нодавлат нотижорат ташкилот;
- 15 та хорижий давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари;
- 7 мамлакатдан ёшлар билан ишлаш бўйича парламентлар ва давлат идоралари;
- 5 мамлакатдан таълим ва илмий-тадиқот институтлари;
- 15 мамлакатдан ёшлар ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари;
- Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган 20 дан ортқк дипломатик миссия вакиллари бор.

Энг асосийси, иштирокчиларнинг 70 фоиздан зиёди ёшлардир, шуларнинг 40 фоизи ёш қизлардир.

Бутунжаҳон ёшлар конференцияси халқро сиёсатчилар нигоҳида

Бутунжаҳон конференцияси юқори даражада, очик ва амалий мунозаралар руҳида ўтди. Даставвода, **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбозова** сўзга чиқиб, халқро анжуман иштирокчиларини қутлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби **Антониу Гутерриш**нинг мурожаатини БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси вазифасини бажарувчи **Ю Ю** ўқиб эшиттирди. Ушбу мурожаатда эътироф этилишича, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг жорий йил бошидаги 46-сессиясида **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев** томонидан таъкидланган ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ишига содиқлиги ва бу борадаги толмас саъй-ҳаракатлари учун БМТ Ўзбекистон ҳукуматининг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлади.

Бош котибининг мурожаатида таъкидланганидек, **“Ёшлар-2030” стратегияси** БМТ тарихида дастлабки ялпи тизимли стратегия бўлиб, ёшлар билан ишлаш ва уларнинг манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятни янада мустаҳкамлаш бўйича зиммамизга катта мажбурият юқлайди. Шу маънода, **“Ўзбекистон мазкур стратегияни шиддатли суръатларда амалга ошираётган дунёнинг 10 та мамлакатидан бири эканини эътироф этишга ижозат бергайсиз”**, деб алоҳида қайд этди БМТ вакили.

БМТ Ўзбекистонда қисқа вақт ичида Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ёшлар парламенти, БМТнинг Ёшлар маспахат кенгаши ташкил этилгани; 2021 йил — “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб зълон қилингани, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилингани, ёшларнинг ҳаётий қарорлар қабул қилишдаги иштирокини таъминлаш ҳамда уларнинг

ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қўллаб стратегия, дастур ва молиявий воситалар ишлаб чиқилгани ва амалда татбиқ этилаётганини олқишлади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари **Мичель Бачелет** ўзининг видеоурожаатида **“Бутунжаҳон конференцияси минтақанинг навқирон ёшдаги барча инсонларига барқарор ривожланишга эришишда ёшларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш йўллари**ни излаш ҳамда бу борада ўзаро тажриба алмашиш учун қулай имконият яратади”, деб қайд этди.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги самарадорлиқни сусайттираётган қоронавирус пандемияси ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ таҳдидлардан қатъи назар, жаҳон ҳамжамяти навқирон инсонларни ҳаётимиз фаолиятининг барча соҳаларига жалб этишни қучайтириш борасида изчил иш олиб бориш зарур.

М.Бачелет таъбири билан айтганда, COVID-19 пандемияси ёш авлод ҳаё-

тини жуда мураккаблаштириб юборди. Хусусан, дунё мекиссида талабаларнинг билсим олиш тизимини издан чиқарди. Бунинг оқибатида таълим соҳасида шу-синг ҳам мавжуд бўлган тенгсизлик янада қаттиқ тус олмақда ва ушбу тизим глобал инқироз билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатидаги мажбуриятларини қўнт билан бажараётганини мақбуллади. Хусусан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилингани билан табриклар экан, мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ишига содиқлигини эътироф этди.

БМТ Бош котибининг Ёшлар ишлари бўйича элчиси **Жаята Викраманаяке** ўз видеоурожаатида “Ўзбекистон ҳукуматининг ёшлар билан энг олий даражада доимий мулоқотга бўлган астойдил интилиши ва навқирон инсонларни ҳаётий қарорлар қабул қилиш жараёнларига жалб этиш борасида эришган ютуқлари юксак баҳолашга муносибдир”, деб таъкидлади.

Ж.Викраманаяке қайд этганидек, Ўзбекистон шиддатли суръатда ривожланиш учун зарур бўлган одам салоҳиятга эга мамлакатдир. Ўзининг рўёбга чиқилиши қутайтган ана шу беқеъс салоҳият ва азму шижоат, аввало, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар — жамиятнинг ҳал қилувчи кучга эга аъзолари тимсолида намоеён бўлмоқда. Шу нуктаи назардан, Бош котибининг Ёшлар ишлари бўйича элчиси жамиятнинг заиф гуруҳларига мансуб ёки эҳтиёжманд навқирон хотин-қизлар ва ёшларга алоҳида эътибор қаратишга қадирди.

Парламентлараро Иттифок Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини олқишлади. Унинг фикрича, **“Ўзбекистон Президенти ва миллий парламент раҳбарияти Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун улкан қўламдаги ишларни амалга оширмоқда”**.

Демократик ислохотларни жорий этишда ёшлар муҳим ўрин тутишига эътибор қаратар экан, Парламентлараро Иттифок Бош котиби **“Бугун биз бу борада бутун дунёда, айниқса, Ўзбекистонда беқеъс ижобий ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлмоқдамиз”**, деб таъкидлади. Бундан ташқари, жаноб М.Чунгонг Парламентлараро Иттифокнинг **“Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!”** деган эзгу ташаббуси доирасидаги кампания бошланганини зълон қилди.

ЕХХТ Бош котиби, элчи Хелга Мария Шмитт БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш борасида илгари сурган халқро ва миллий даражадаги бир қатор долзарб ташаббусларнинг аҳамиятига юқори қаро берди. Элчи Х.М.Шмитт мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича қўллаб муҳим ташаббуслар амалга оширилаётганини олқишлади ва **“ёш авлодни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг ҳам, ЕХХТнинг ҳам умумий**

мақсади ҳисобланади”, деб алоҳида таъкидлади.

Осиё Парламент Ассамблеяси Бош котиби Муҳаммад Ризонинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон олий раҳбарияти ва парламентининг ёшларга муносабати ва уларнинг ҳуқуқини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳақиқатан ҳам юксак баҳога лойиқ.

Муҳаммад Ризо ёшлар кўп жиҳатдан ҳали фойдаланилмаган улкан захира бўлиб, глобал муаммоларни ҳал этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшишга қодирлиги хусусида тўхталди. Шундай экан, навқирон авлоднинг жисмоний ва маънавий қамол топишига жиддий аҳамият бериш ҳамда аҳолининг ушбу шижоатли қатлами, айниқса, ёшлар кўпчилигини ташкил этадиган мамлакатларда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий қарорлар қабул қилиш жараёнига фаол жалб этиш лозим.

Осиё Парламент Ассамблеяси Бош котиби ўз нутқида Осиё тараққиёт банкининг ҳисоботидан айрим маълумотларни келтирди. Бу маълумотларга қўра, **дунё ёшларининг ярмидан кўпи Осиё-Тинч океани минтақасида яшайди**. Ана шу ёшларга минтақа учун бебаҳо бойлик ва барқарор ривожланиш йўлида улкан марраларни забт этишининг улкан омилли сифатида қаралмоқда.

ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси Президенти Маргарета Седерфельт Халқро ёшлар кўнида иш бошлаган Бутунжаҳон конференциясининг диққатга сазовор дастурини тайёрлагани учун барча ташкилотчиларга миннатдорлик изҳор қилди. Шунингдек, **М.Седерфельт** Ўзбекистон ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш соҳасида изчил иш олиб бораётганини алоҳида эътироф этди.

М.Седерфельт ёшлар қўллаб глобал давлатларга муносиб жавоб қайтаро олишини қайд этди. Шу маънода, унинг фикрича, **“Навқирон авлод онгу шууридаги интилишларни рўёбга чиқариш учун ёшларнинг имкониятларини кенгайтиришимиз жуда муҳим”**.

МДХ Ижроқоти котиби — Ижроия қўмитаси расми Сергей Лебедев ўзининг видеоурожаатида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги самарали фаолияти ва ёшларга оид халқро ташаббусларига юқори баҳо берди, шунингдек, МДХ мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган халқро ёшлар ҳамкорлиги стратегияси ҳақида сўз юритди. Бинобарин, БМТнинг “Ёшлар-2030” стратегияси негизида ишлаб чиқилган ушбу стратегия замирида МДХ маконидаги мамлакатларнинг самарали тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва илмий-техник раванқ топишини таъминлашда ёшлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим омил эканига доир илгор ғоя мужассамдир.

Халқро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори **Ольга Кулаева** COVID-19 пандемияси шароитига қарамай, Ўзбекистон томони ёшларга доир муаммолар бўйича шундай муҳим мулоқотни ташкил этиш учун миннатдорлик билдирди.

О.Кулаева Ўзбекистонда болалар меҳнати ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида сезиларли натижалар қўлга киритилганини мамнуният билан қайд этди. Бунда мамлакат ҳўкумати ва у томонлама иштирокчилар айни муаммоларни Халқро меҳнат ташкилотининг асосий воситаларини қабул қилиш орқали ҳал этишга шайлигини қатъият билан намоеён этгани, шу асосда миллий қонунчилик халқро меҳнат стандартларига уйғунлаштирилгани ҳамда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши чора-тадбирлар янада қучайтирилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тошкент Ёшлар декларацияси: мазмун ва моҳият

“Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзусидаги ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси якунида Тошкент Ёшлар декларацияси қабул қилинди. Декларация халқро анжуман иштирокчилари томонидан:

биринчидан, пандемия ва ўндан кейинги даврда ёшлар олдида турган асосий муаммоларни кенг муҳокама қилиш;

иккинчидан, ёшлар ўз ҳуқуқларини тўла амалга оширишларига тўқинлиқ қилаётган муаммоларни атрофлича ўрганиш негизиди;

учинчидан, барча ёшларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тарғиб этиш ва амалга оширишга содиқлигини яна бир бор тасдиқлаган ҳолда ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тошкент Ёшлар декларацияси муқаддима, 5 та қисм ва хотимадан иборат.

Декларациянинг **“Пандемия ва ёшлар”** қисмида жаҳон қоронавирус инқирози билан боғлиқ мисли қўрилмаган глобал фақуллода ҳолатнинг гувоҳи бўлиб турган мураккаб шароитда пандемия ёшларнинг ҳаётини ўзгартирган, уларни саломатлик, муносиб иш ва

машғуллот, озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш, шунингдек, ижтимоий алоҳида бўлиш ва аққаланишга тааллуқли янги қийинчиликларга мослашишга мажбур қилгани қайд этилган.

Шу муносабат билан, Декларацияда таъкидланганидек, **“Биз ёшларни вакцинациялаш ва даволаш, заиф ижтимоий қатламлар, жумладан, ёш мигрантлар, қочоқлар, ишсизлар, уйсизлар, маҳбусларга алоҳида эътибор қаратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун етарлича маблағ ажратилишига қақирамиз”**.

“Ёшлар — Барқарор ривожланиш мақсадларининг “драйвер”и” номли иккинчи қисмда ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ёшларга ўз шахсий имкониятларини намоеён қилиш ҳамда келажақ авлодларга муносиб дунёни барпо этиш вазифаларини ишонли топирилганини ҳисобга олган ҳолда, 5 та амалий тақлиф илгари сурилган:

Биринчи тақлиф — Барқарор ривожланиш мақсадларининг ёшлар элчилари лавозимини жорий этиш;

иккинчи тақлиф — барча мамлакатларда Ёшлар парламентларини таъсис этиш;

учинчи тақлиф — Бутунжаҳон ёшлар парламентлари ассоциациясини ташкил этиш;

тўртинчи тақлиф — барча давлатларда миллий ёшлар стратегияларини қабул қилиш;

бешинчи тақлиф — давлат органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар қоши

МУНОСАБАТ

ҲАР БИР ТАДБИРКОРНИНГ МУРОЖААТИ ЭЪТИБОРДА



Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бугун ўзбек тадбиркори нафақат ички бозорда, балки жаҳонда ҳам ўзининг сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотлари билан ишонч қозона бошлади. Юртимизда барча тармоқларда ишлаб чиқариш кўлами ортиб бормоқда. Бу охириги йилларда тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулкдорларнинг эркин фаолият юритиши учун қўлай имконият, шароитлар яратилгани, бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилгани, ишбилармонларни узоқ йиллар қийнаб келган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилгани, ҳар бир тадбиркорнинг муурожаати давлатимиз раҳбари эътиборида эканини аниқлади.

Шу кунларда халқимиз ҳаётидаги катта воқеалик, таъбир жоиз бўлса, мустақил Ўзбекистон тарихида кузатилмаган ҳодиса — давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқоти қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Бу мулоқотнинг ташкил этилиши мамлакатимизда фаолият юритаётган минг-минг-

бориши бўйича ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари яна бир қарра ишбилармон доира вакиллари қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиб, иқтисодиётга узоқ муддатли ресурсларни олиб келиш, долларлашув даражасини камайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Йиғилишда ер ва бино ажратиш билан боғлиқ муурожаатлар 21 фоизни ташкил қилгани қайд этилиб, тадбиркорларга бу борада имкониятларни кенгайтириш учун ҳудудларга ишчи гуруҳлар юбориб, жорий йил 1 сентябрдан аўкцион савдоларга чиқариладиган ер майдонлари ва бинолар рўйхатини шакллантириш вазифаси қўйилди. Бу, ўз навбатида, ҳар бир тадбиркорнинг муурожаати давлатимиз раҳбари эътиборида эканини аниқлади.



Охириги йилларга назар ташласак, юртимизда тадбиркорлик чин маънода сон ва сифат жиҳатидан жадал ўсаётганига ғувоҳ бўламиз. Юртдошларимиз учун “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ешлар — келажакимиз” давлат дастурлари асосида имтиёзли кредитлар ажратилиши тўғрисида минг-минглаб оилалар бизнесни йўлга қўйди, доимий иш жойига, даромад манбаига эга бўлди.

Бундай ёрдамлар, айниқса, ўтган йилда янада фаоллашди. Натижада пандемиядан зарар кўрган қўллаб-қувватлаш тадбиркорлик субъектлари фаолияти тикланиб, хусусий корхоналарда ўсиш кузатилди. Жорий йилнинг етти ойида эса ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиз ўсиб, 92 триллион сўмни ташкил қилган. Лекин тижорат кредитлари бўйи-

тузилган республика штаби аъзолари уларни бирма-бир ўрганиб, ҳар кун муҳокама қилиб бормоқда. Тадбиркорлар кўтарган 12 мингдан зиёд шахсий масаланинг ярмидан кўпи айна вақтда ҳал этилган.

Хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, лицензия ва рухсатномалар олиш бўйича мингга яқин муурожаат келиб тушгани бу йўналишда тизимли муаммолар сақланиб қолганини кўрсатмоқда. Қолаверса, муурожаатлардан инфратузилмага улашни борасида ҳам қўллаб-қувватлаш борлиги маълум бўлмоқда.

Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида халқ билан мулоқот қилиш, жойларда тадбиркорликни ривожлантиришда юзага келадиган муаммоларни ўрганиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан мулоқот қила-

миз. Учрашувлар давомида соҳалар бўйича муаммоларни ҳал этиш учун банк, кадастр, қатор ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирокида мулоқотлар ташкил этилиб, муурожаатлар ўрганиб чиқилди.

Юзма-юз учрашувларда тадбиркорларни қийнаётган муаммолар, вақтинчалик фаолият кўрсатмаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Бизнес вакилларидан келиб тушган муурожаатларнинг салмоқли қисmini мактабгача таълим муассасаси очишда кредит олиш, тижорат банкларида олинган кредитлар муддатини бироз кечиктириб тўлаш, ер ажратиш ва бошқа шу каби қатор масалалар ташкил этади.

Қўлчиллик тадбиркорлар кредит фоизларини тўлашга имконияти йўқлигини айтиб, шу масалага ечим топишда ёрдам сўрашди. Кўтарилган муурожаатларни имкон қадар тегишли идоралар мутахассислари билан биргаликда ўрганиб, тўпланиб қолган фоизларни умумий муддатга бўлиш ва кредит муддатини узайтиришга ёрдам берилди.

Йиғилишда солиқ ва божхона соҳалари, имтиёз ва преференциялардан фойдаланишга оид масалалар таҳлил қилиниб, ҳар бир муурожаатни алоҳида назоратга олиб, уларга тўлиқ ечим топиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди. Бу ҳаракатлар замирида эса ҳудудларни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, халқнинг турмушини янада фаровон қилишдек эзгу ишлар мужассам. Зеро, ҳозирги мураккаб шароитда ҳеч бир тадбиркорни ўз муаммоси билан ёлғиз қолдириб бўлмайди.

Шу жиҳатдан Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказиши, уларнинг дарду ташвишларини тинглаши, муаммоларига ечим топиши янги Ўзбекистон тарихидаги катта янгилик бўлади. Зеро, тадбиркорлик ривожланса, жамиятда, одамлар ҳаётида ўзгариш бўлади, аҳоли фаровон яшайди, юрт тараққий этади.

ДИЛ ИЗҲОРИ



Мазмунли яшаш, яхши кўрган касб билан шуғулланиш учун янги имкониятлар

Барно НАРЗУЛЛАЕВА,
тадбиркор, Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси
Ғаллаорол тумани

Биринчи гуруҳ ногирониман. Туғилганимда шифокорлар себребрал фалажлик (ДСП) ташҳисини қўйган. Аввалига хасталикнинг хавфли аломатлари сезилмаган, ҳамма қатори юрганман, мактабга борманман. Йиллар ўтиб, оёқларимда кучсизланиш сабаб 18 ёшимда бутунлай юролмай қолдим. Ота-онам касаллигимни даволатиш учун елиб-югурган, аммо натижа қутилгандек бўлмаган.

Биласизми, инсон қадр топан юртда яшасангиз, имкониятингиз чекланганини ҳам ҳис қилмас экансиз. Мана шу ишонч сабаб хунар ўргандим. Республика “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлиб, қизиқувчиларга мунчоқлардан матога ва қўлчилик буюмларига безак беришни ўргата бошладим. “Ташаббус” қўриқ-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритганман. 2020 йилда “Жасорат” медали билан тақдирланганимда ўзимга бўлган ишонч янада ортди.

Жорий йилнинг 9 август кунини Президентимиз томонидан қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори менга янада куч бағишлади. Бойси, бизга қаратилаётган ҳар бир эътиборга ватанга бўлган меҳримиз, садоқатимиз, меҳнатимиз билан жавоб қайтаришимиз керак, деб ўйлайман.

Қарор билан себребрал фалажлик, шунингдек, умуртқа поғонасида патологик синиш бўлган болаларда мустақил юриш қобилиятини қайта тиклаш учун 54 та замонавий экзоскелет ускунаси харид қилиниши қувончимни орттирди. Чунки авваллари мана шундай ускуналарга бўлган эътиҳоннинг қондирилигани мен каби қўллаб-қувватлашга эришар тўғрисида келган.

Қарорни ўқиб англадимки, эндиликда ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат сифати янада яхшиланади. Ҳаётда ҳар хил вазиятлар бўлиши мумкин. Истаимизми-йўқми, имконияти-ми чеклангани бойси, қўл ҳолларда ўзгалар парваришига, ёрдамга муҳтож бўламиз. Ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган

шахслар соғлиғи кескин ёмонлашган, турли даражадаги жароҳатлар олиб, фавқулодда вазиятларга дуч келганда тезкор ёрдам кўрсатиш ҳақида хабар беришнинг инновацион тизими жорий қилиниши, яъни махсус функцияларга эга “Ақли соат” ёрдамида автоматик тарзда хабар юборишнинг йўлга қўйилишидан жудаям мамнун бўлдим. Бу, ҳақиқатан, оқилона ўйланган тадбир. Биз учун айна зарур бўлган восита.

Шунингдек, ҳужжат ижроси билан имконияти чекланган шахсларни замонавий электр юритмалар ногиронлар аравачалари, кўзи охишлар учун зарур бўлган техник воситалар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Бойси, мана шу воситаларга эга бўлишнинг авваллари узоқ вақт қуттишга тўғри келарди, саргардонликларга сабаб бўларди. Ҳужжатда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратилгани, эндиликда бундай овозагарчиликларнинг олди олинадиган: протез-ортопедия ва зарур воситаларга шаффоф электрон навбат тизимини яратиб, яроқлилик муддатини назорат қилиш, мавжуд эътиҳонни аниқлаш ва ўз вақтида таъминлашга қаратилган “Ижтимоий хизмат” иттиҳослаштирилган электрон платформаси йўлга қўйилди.

Иттиҳослаштирилган таълим муассасаларидаги эшитиш қобилияти паст болалар учун давлат томонидан 2 минг донга замонавий эшитиш мосламаси сотиб олинди, 5 ёшгача бўлган болалар учун жами 615 та кохлеар имплантати харид қилиниб, жарроҳлик амалиёти орқали уларга ўрнатишнинг йўлга қўйилиши ҳақидаги хабар қўллаб-қувватлашга шодлик олиб кирди. Фарзандининг тузалишини ёки унга ингиллик яратиш имкониятини қутиб турган

қанчадан-қанча юракларга бахт улашди. Жорий йилда 2 минг, кейинги йилда эса 3 минг нафар болаларда туғма юрак нуқсонини ҳамда бош миёдаги патологик ўзгаришнинг йўлга қўйилиши шунчаки рақамлар эмас. Бу шунча бахтиёр оила дегани. Ҳаётдан мамнун, бахтидан масрур одамлар дегани. Президентимизни дуо қилиб очилган қўллар дегани.

Айтиш жоиз, туғма, патологик ва орттирилган мушак-скелет тизимида муаммоси бор беморлар, кўрак қафаси деформациясини даволаш учун жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш, ҳамда махсус платинилар харид қилишнинг йўлга қўйилиши бугунги кун учун айна мудоао эди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг 2021-2025 йилларда электр-пултиш махсус кресло аравачаси билан таъминланиши ҳам биз қабиларга катта ишонч, куч бағишлайди.

Жисмоний имконияти чекланган шахс саналса-да, аслида, биз учун имкониятлар чегарасиз. Буни юртимиз, ҳукуматимиз яратиб бермоқда. Улардан, ақлий салоҳиятимиздан фойдалансак, қўллаб-қувватлашга забот этишимиз. Мен ҳаётни жуда яхши кўраман. Уни гузал қилиш учун эса юқоридаги каби ингилликлардан янада самарали фойдаланаман, бу борада бошқаларга ҳам ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Ҳаётда қўқилишлар ҳаммамизда учрайди. Буни бир сабоқ деб қабул қилиш керак. Нолиш эмас, айнан тик тура олиш керак. Зеро, мазмунли яшашимиз, яхши кўрган касбимиз билан шуғулланишимиз учун зарур имкониятлар яратилган.

Мана шундай эътибор, оталарча ғамхўрлик учун Президентимизга раҳмат. Албатта, биз бунга катта ютуқларимиз билан жавоб қайтарамиз.



лаб тадбиркорларни тўлқинлантирди, ҳаракатга келтирди. Улар яратилаётган ана шундай имкониятдан фойдаланиб, мавжуд муаммоларини айтиб, жараёнда фаол иштирок этишга интиломоқда.

Жорий йилнинг 9 август кунини тадбиркорлар билан учрашувга тайёргарлигининг

ча фоиз ставкалари ва муддати қисқалиги тадбиркорлар учун энг долзарб масала бўлмоқда. Улар томонидан келиб тушган муурожаатларнинг 42 фоизи айна шу соҳага оид масалалардир.

Шунингдек, ҳозирги кунга қадар тадбиркорлардан 13 минг 500 дан ортиқ тақлиф ва мулоҳаза келиб тушган. Бу борада

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ҚАРОРГА КЎРА:

2021 йил якунигача 2 минг донга замонавий эшитиш мосламаси харид қилиниб, иттиҳослаштирилган таълим муассасаларида ўқийётган эшитиш қобилияти заиф болаларга етказилади;

харид қилиниши режалаштирилган 260 та кохлеар имплантатига қўшимча равишда 355 та кохлеар имплантати сотиб олинади ва 5 ёшгача болаларга жарроҳлик амалиёти орқали ўрнатилади;

2021 йилда қўшимча 2 минг нафаргача, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 3 минг нафаргача болаларга туғма юрак нуқсонини ҳамда бош миёдаги патологик ўзгаришлар (жумладан, гидроцефалия) бўйича жарроҳлик амалиётлари ўтказилади;

ҳар йили камида 110 нафар бемор бола учун транспедикуляр тизим (фиксаторлар) тўпламлари харид қилган ҳолда, уларда сколиоз ва умуртқа поғонасининг бошқа патологияси бўйича жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади;

йилига ўртача 1 000 нафар болаларга туғма ва патологик сон чиққинини жарроҳлик амалиётлари орқали даволаш учун зарур металл конструкциялари сотиб олинади;

ҳар йили камида 140 нафар бемор болада кўкрак қафаси деформациясини даволаш учун 150 та махсус пластина харид қилиниб, ўрнатилади;

бемор болаларга туғма оёқ-қўл патологияларини даволаш учун 350 та Илизаров аппарати харид қилинади;

ҳар йили камида 100 нафар бемор болаларга жарроҳлик амалиётлари давомида суяк дефектларини тўғрилаш учун коллопан гранулалари харид қилинади;

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва унинг ҳудудий марказлари 2021-2023 йилларда 54 та, шундан 2021 йилда 14 та замонавий экзоскелет ускунаси билан таъминланади;

2021-2025 йилларда 11,6 минг донга, шу жумладан, 2021 йилда 1 100 донга электр юритмалар кресло-аравача харид қилинади;

кўзи охиш болалар ва катталар 9 минг донга овозли термометр, 10 минг донга овозли тонометр, 20 минг донга йўзма Брайль алифбоси билан таъминланади;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар оғир ва фавқулодда вазиятларга тушганда уларга тезкор ёрдам кўрсатиш ҳақида хабар беришнинг инновацион лойиҳаси жорий этилади. Бунда, 2021 йилда 5 минггача ва 2022-2023 йилларда 12 мингга махсус функцияга эга соат (“Ақли соат”) тегишли тоифадаги шахсларга етказилиб берилади.

Қарорга кўра, шунингдек, 2022 йил 1 майгача “Ижтимоий хизмат” электрон платформаси ишга туширилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ ХАЛҚЛАРНИ, ЖАМИЯТНИ БИРЛАШТИРАДИ



Камолитдин ЎРИНБОЕВ,
Ўзбекистон давлат
консерваторияси ректори,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист

Муסיқа санъати ҳар қандай мамлакат ижтимоий, маданий тараққиёти ривожланишида энг таъсирчан, самарали воситалардан бири саналади. Юртимизда ҳам маданият ва санъат соҳасини изчил ривожлантириш, мазкур йўналишдаги муассасалар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

Маълумки, Ўзбекистон давлат консерваторияси мамлакатимизда муסיкий билим берадиган ягона олий таълим муассасаси саналади. 2002 йилда мазкур олий ўқув юрти учун янги бино қурилиб, замонавий талабалар асосида жиҳозланди. Консерватория қоидада иқтидорли ёшлар учун муסיқа академик лицейи ташкил этилди. Мазкур олий ўқув юртининг нуфузи ва мақоми ошириш учун унга Ўзбекистон давлат консерваторияси номи берилди.

Президентимиз 2017 йил 3 август кунги ижодкор-зиёлилар вакиллари билан учрашувда маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва

давлат ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр билдирди. Учрашувда Ўзбекистон давлат консерваториясининг бугунги фаолияти, жумладан, қабул квоталари, ўқув дастурлари ва қўлланмалари, профессор ўқитувчиларнинг илмий ва ижодий салоҳияти, муассасанинг моддий-техник базаси, муסיқа санъатини ривожлантириш, муסיкий таълим тизимини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш борасидаги ишлар хусусида ҳам сўз юритилди.

2017 йил 8 августда Президентимизнинг “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури баён қилинди. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган

ўлмас муסיқаларини тинглайди, тушунади ва қадрлайди.

Шу ўринда миллий муסיқамизга боғлаб мисол келтириб ўтсам. Мумтоз муסיқаларимиз оҳанг сеҳрини, қудратини англамаган айрим ёшлар бунга эътиборсизлик қилаётган бир пайтда унга нафақат Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Европада ҳам ўзгача қизиқиш билан қаралмоқда. Хусусан, “Шашмақом”ни Европа мамлакатларида муסיқа мутахассислари, ихлосмандлари ҳам турли концерт ва фестивалларда тинглаб, баҳолаб келади. Уни Германия, Франция муסיқа мутахассислари тадқиқ қиляпти, ҳатто чанг созида иштиёқ билан ижро этиб берапти. Улар шунчаки муסיқа чала билиш истеъдодини намоён қилиш учун эмас, “Шашмақом”га қизиқиш, оҳангига мафтун эканлигини таъкидлаган ҳолда ўрганаётгани гурур ва ҳавас уйғотади.

Муסיқанинг дунё халқларини бир-би-



ишлар самараси олий ўқув юрти моддий-техник базаси, ўқув дастурларида, кадрларни қайта тайёрлаш ва халқаро алоқаларда ўз аксини топмоқда.

Муסיқа – инсон руҳиятининг ифодаси

Санъатнинг ажралмас қисми бўлган муסיқанинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у таржима қилинмайди. Бир миллат вакили яратган яхши муסיқани барча халқлар тушунади ва завқланади. Шу сабаб дунё халқлари бир-бирининг

рига яқинлаштиришдаги кучи, инсонпарварлик руҳини синдиришдаги таъсири ҳақида ҳам мисоллар билан айтиб ўтиш мумкин. Дунёда кўплаб муסיқа фестиваллари ўтказиб келинади. Шулар қаторида “Шарқ тароналари”, халқаро “Мақом” фестивали жуда катта нуфузга эга. Эндликда бу халқаро муסיқа фестивалларида Шарқ мамлакатлари билан бирга, қатор Европа халқлари муסיқачилари ҳам жон деб қатнашиб келяпти ва уларни бошқа халқлар тингловчилари яхши қабул қиляпти.

Ҳа, санъатнинг халқларни, жамиятни бирлаштира олишида чуқур фалсафа бор.



Таълим халқаро алоқаларда ривожланади

Таълим муассасамиз дунёнинг кўплаб санъат даргоҳлари билан ҳамкорлик қилиб келади. Жумладан, Россия, Италия, Франция, Кувайт, Тожикистон, Қозоғистон, Германия, АҚШ санъат муассасалари билан алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган.

Биз, аввало, қардошларимизни яхши билишимиз ва қадрлашимиз керак. Қозоғистон санъат университети — Европа консерваторияси ассоциацияси (АЕС) аъзоси. Катта тажриба ва малакага эга ушбу университет билан яқин алоқадмиз. Ҳамкорликда кўплаб танлов, тадбирлар ўтказиб келамиз.

Қозоғистон миллий санъат университети ҳам “European Association of Conservatoires (AEC)” тармоғига қиради ва дунёга машҳур кўплаб муסיқачилар билан ҳамкорлик қилади. У билан таълим муассасамиз ўртасида меморандум имзоланган. Академик ва илмий таълим алмашинуви, ижодий ҳамкорликка доир лойиҳаларни амалга оширялмиз. Қўшма факультетлар ва таълим йўналишларини очиш бўйича келишув имзоланган.

Жорий йил 4 июнь кунин Нур-Султон шаҳрида Қозоғистон давлат симфоник оркестри билан биргаликда концерт

қўйди. Тадбир жуда кўтаринки руҳда ўтди. Профессор-ўқитувчилар билан учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этилди. Бунни қайсидир маънода тажриба алмашув деб баҳолаш мумкин. Шу маросимда менга фахрий профессор унвони берилганини, аввало, Ўзбекистон миллий муסיқа санъати, академик мактабига берилган юксак баҳо, Президентимиз томонидан санъатга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг эътирофи деб қабул қилдим.

Қозоғистон театрлари Ўзбекистонга гастроль — сафарлари билан келмоқда, ўзбек театрлари, яққалон солистлари Қозоғистонда концерт бераётир. Икки мамлакат маданият ва санъат намоёндаларининг ижодий учрашувлари, олий таълим муассасалари ўртасида талабалар алмашинуви, ўқитувчиларнинг малака ошириш жараёни жадал тус олди. Бугун талабаларимиз Қозоғистоннинг энг илғор, жаҳон рейтингларида кирган университетларига бориб, тажриба алмашиб, ўқув курсларида қатнашиб келаётгани ёки уларнинг магистрлари таълим муассасаларимизда илмий иш олиб бораётгани яқин келажақда ўз натижасини бериши шубҳасиз.

Дунё муסיқа санъати саҳнасида муносиб истеъдодларимиз бор

Мутахассис сифатида айтишим мумкин, ҳалқимиз истеъдодларига бой. Ҳатто чекка-чекка қишлоқларда ҳам ўзимизнинг Паганини, Бетховенларимиз борки, дунё саҳналарига олиб чиқишга арзийди. Бугунги кунда дунёнинг энг нуфузли театрлари, оркестрлари, энг катта саҳналарида ҳам муסיқачиларимиз ўз санъатини намоиш қиляпти. Дунёнинг энг олд муסיқачилари сафига кира оладиган кадрлар етишиб чиқаяпти. Бунга хорижда муваффақиятли фаолият олиб бораётган Бекзод Абдураимов, Нажмиддин Мавлонов қабилини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай нуфузли санъат даргоҳларига ишга тақлиф олиш, умуман, у ерда ишлаш учун жуда катта иқтидор бўлиши, кўплаб халқаро талабаларга жавоб бериш керак. Юртимизда катта истеъдод эгалари оз эмас.

Ягона олий муסיқа ўқув юрти бўлган консерваториянинг ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, илмий салоҳиятини ошириш, ижодий муҳитни юксалтириш билан бирга, бугунги кунда тахсил олаётган талабалар эртага ўқишни битиргандан кейин қаерга боради, қай тарзда ўзининг билими, салоҳияти, ижодини кўрсатиб, намоён қила олади, деган савол ҳам мени қийнайдми. Бойси, талаба олий таълимда тахсил олаётган пайтда уни халқаро фестивал, танловга олиб чиқишга институционал йўналтира оламиз. Бизда имконият, энг асосийси, ваколат бор. Лекин ўқишни битириб кетгандан кейин уни қўлидан етаклаб, қўлаб-қувватлаб турадиган ташкилот ёки одамлар бўлмайди. Агар шу масаланинг механизмини ўйлаб топсак, соддароқ айтганда, квоталаримизни продюсерлик марказлари, оркестр, театрларнинг эҳ-

тиёжидан келиб чиққан ҳолда шакллантирсак, эртага талабаларимиз ўша жойда фаолият юритади.

Бу борада консерваторияда бир қанча ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, 2020-2021 ўқув йилидан консерватория қоидада мустақил фаолият олиб борадиган марказ очиб, истеъдодли талабаларни жалб қилялмиз. Бу каби чора-тадбирлар эртага таълим тизимининг сифати ошишига хизмат қилади, албатта.

Айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваториясида хорижий мамлакатлардан келган бир қанча талабалар тахсил олмақда. Бу ҳам қайсидир маънода халқаро тажриба. Бойси, ўзга юртдан келган муסיқачи базавий билимларини шакллантириб келади бу ерга. Ўша ердаги тажрибани ўзининг тенгқурлари билан ўртоқлашади. Бундан ташқари, чет эллик соҳа мутахассисларини таълим жараёнига жалб қилиш бўйича ҳам қатор ишлар олиб боришмоқда.

Халқаро алоқаларни жадаллаштириш мақсадида дунёга машҳур композитор, кувайтлик доктор Амир Жаъфар ректор маслаҳатчилигига тақлиф қилинди ва айни пайтда у Ўзбекистонда фаолият юритапти. Яқинда Қатар таълим ва маданият фонди билан тажриба алмашиш борасида музокаралар олиб борилди. Ўзбекистон давлат консерваториясига биринчи марта қатарлик докторант қабул қилинди.

Зиёлилар яхши билади, Италиянинг Милан консерваторияси дунёнинг етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Яқинда мазкур муассаса билан ҳамкорлик меморандумини имзоладик. Ана шу ҳужжат доирасида бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.



Жорий йил сентябрь ойида ана шу консерваториядан дунёга таниқли дирижёр келиб, маҳорат дарслари олиб боради. Унинг катта концерт намоиши этиши ҳам режалаштирилган.

АҚШнинг дунёга машҳур Кёртис университети билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. У дунё муסיкий олий таълим муассасалари ўртасида кучли 100 таликка қиради. Уч нафар талабамиз ана шу университетда академик алмашинуви лойиҳаси доирасида қисқа муддатли курсларда ўқияпти.

Кейинги йилларда соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли айтишга аризулик ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, ўтган йили консерваториянинг Нукус филиали ташкил этилди. Янги муסיкий гуруҳлар очилди. Масалан, консерваториянинг Муסיкий театр-студияси қоидада халқ чоғулари оркестри ташкил этилди. Замонавий муסיқа лабораторияси ҳам фаолият

бошлади. Унда “устоз-шогирд” аънаси асосида забардаст устозлар ёрдамида ёш бастакорлар учун маърузалар, амалий машғулотлар, қизиқарли лойиҳалар, концертлар ва танловлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг жаҳон миқёсидаги мақоми кўтариш, Европа ва Осиё мамлакатлари билан алоқалар ўрнатиш йўлида улкан қадам ташланди. Бир неча ой ичида кўплаб мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги қатор меморандумлар имзоланди. Бунга Жузеппе Верди номидagi Милан консерваторияси, Чунг-Анг университети (Жанубий Корея) билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқаларини мисол келтириш мумкин. Шунингдек, Европа консерваториялар ассоциацияси (АЕС) аъзоси бўлган Қозоғистон миллий санъат университети билан алоқалар ўрнатилгани юқорида ҳам айтиб ўтилди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида чинакам истеъдодли ёшлар кўп, бу жаҳон муסיқа майдонида яққол намоён бўлмоқда. Сўнгги йилда 100 га яқин иқтидорли талабамиз халқаро танловлар ғолибига айланди. Масалан, Буюк Британияда ўтган “Golden time”, Россияда ўтган “Искусство без границ” ва “Primavera”, Мексикада ўтказилган “Talents of the 21st century” ва “Villahermosa” танловлари, Қозоғистоннинг Нур-Султон шаҳрида ўтказилган “Самал” IV Халқаро онлайн танловларида талабаларимиз гран-при ва фахрлий ўринларга муносиб кўрилди.

Бундан ташқари, консерватория мунтазам равишда турли мамлакатларнинг танқил маданият арбоблари иштирок этидиган халқаро конференцияларнинг ташаббускори ва ташкилотчисига айланди. Шу билан бирга, кўплаб талаба ва ўқитувчиларимиз халқаро муסיқа танловлари, конференция ва фестивалларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. Бундай муваффақиятларга эришишда таълим даргоҳида яратилган шарт-шароит, имконият, техник таъминотгача муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчиларимиз ёзган дарсликлар ва монографиялар нашр этилмоқда. Консерваториянинг 85 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда 30 га яқин давлатдан меҳмонлар келиши кутилмоқда. Консерватория мадҳияси учун танлов эълон қилинган. Муассаса тарихига бағишланган китоб чоп этилади, ҳужжатли фильм яратилапти. Албатта, буларнинг барчаси консерваторияни янада ривожлантириш, унинг маъқеини юксалтириш баробарида Ўзбекистон санъати ва маданиятининг чет элларда тарғиб қилинишига ҳисса бўлиб қўшилади.

“Янги Ўзбекистон” таҳририяти ижодий жамоасига уч томонлама адабий ҳамкорликни таклиф қиламан

Салом, азиз дўстлар! Мен ижтимоий тармоқ орқали Ўзбекистонда нашр этиладиган газета ва журналларни доимий кузатиб бораман. Яқинда “Янги Ўзбекистон” газетасида (2021 йил 3 август, 155-сон) “Бенедик Пери: Навоий таърифлаган султон келмиш бу юртга” деб номланган суҳбатни диққат ва зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Эътиборли жиҳати, унда венгриялик олим томонидан Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди борасидаги янги изланишлар ҳамда лойиҳалар қайд этилганидир.

Бенедик Перини бир неча йиллардан бери ҳамкасб сифатида яқиндан яхши биламан. У билан халқаро конференцияларда, турли тадбирларда учрашиб, суҳбатлашганмиз. Олимнинг буюк мутафаккир ижодига бўлган эҳтироми ва меҳрини жуда қадрлайман. Уни Ўзбек мумтоз адабиёт тадқиқотчилари ва венгриялик адабиёт ихлосмандлари Алишер Навоийнинг ноёб мероси бўйича ўзига хос сабоқ бераётган олим сифатида эътироф этаман.

“Дунё — ойна”, дея бежиз таъкидлашмаган. Бу ойнага ҳар ким ўзига хос ёндашув билан назар ташлайди. Алишер Навоий мероси шундай доғишмандлик фалсафасидирки, ушбу меросга ҳар гал нигоҳ солганингизда ўзгача бир олам, янги бир фан манбаини кашф этгандек бўласиз. Шу маънода, тадқиқотчи Бенедик Перининг илмий кашфиётлари ўзига хос дунёлардан сўзлайди. У Алишер Навоий меросининг дунёвий моҳиятига ишора тарзида шундай назар ташлаганки, бу изланишлардаги сарбаландликларнинг ҳар бирини тилга олган ҳолда, узундан-узоқ рўйхат тузиш мумкин.

Мен венгер олими Бенедик Пери билан 2018 йилда Тошкентда ўтказилган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияда бирга иштирок этганман. Унинг анжумандаги маърузаси иштирокчиларда жуда катта қизиқиш уйғотган.

Мазкур суҳбат венгер олимнинг барча ғуруҳларини, тадқиқотлари замиридаги эзгу ғоялар моҳиятини очиб бера олгани билан эътиборимни тортди.

Менда бир таклиф бор. Таҳририят ходимлари кўмағида ушбу суҳбатни озарбайжон ва турк тилларига таржима қилсак. Шунда биз уч томонлама ҳамкорлик асосидаги адабий муносабатларимиз билан тарих зарваракларида янги саҳифа очган бўлар эдик. Умид қиламанки, менинг фикр-мулоҳазаларим “Янги Ўзбекистон” ижодий жамоасини бефарқ қолдирмайди.

Самимий ва эҳтиром билан,

Алмаз Улви БИННАТОВА,
озарбайжонлик навоийшунос
(PROF.DR. ALMAZ ÜLVI BINNATOVA,
NƏVAİŞÜNAS
BAKİ, 07 AVGUST, 2021)

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-80 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2588.
76603 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоши қилинган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусахҳас: Асолат Шербекова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 00:25 Топширилди — 01:25